

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Andijonyog'moy" AJ

Объявление

"ANDIJONYOG'MOY" AKSIYADORLIK JAMIYATI

“АНДИЖОНЁҒМОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

“АНДИЖОНЁҒМОЙ”

акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси лавозим учун

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 24-апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони, Корпоратив бошқарув Кодекси, жамият Устави ва жамият кузатув кенгашининг 2019-йил 29-июнида тасдиқланган “АНДИЖОНЁҒМОЙ” АЖ ижроия органи раҳбар лавозимига номзодлар танловини ташкиллаштириш ва ўтказиш регламенти”га асосан жамият ижроия органи, жумладан:

- - жамият бошқарув раиси; лавозимига номзодларни саралаш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқоролари ҳамда ушбу танловда иштирок этиш истагида бўлган хорижий давлатларнинг фуқоролари таклиф қилинади.

Номзодга қўйиладиган талаблари:

Тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиш; мос соҳада, камида, уч йил иш стажига эга бўлиш; ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳар хил бошқарув лавозимдаги мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси; олтмиш ёшгача бўлиши; қонунчилик, ишлаб чиқариш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро талабларнинг билиши. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ёки бошқарув органи раҳбарлари ва аъзолари билан ҳар қандай қариндошчилик алоқаларининг бўлмаслиги:

Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайди:

- - олий маълумот йўқ;
- - муқаддам судланган;
- - раҳбарлик лавозимида камида икки йил иш тажрибасига эга бўлмаган,

юримдик шахс таъсисчиси бўлган даврда унинг айби билан жамиятнинг фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия бўйича қонун талаблари бузилиши оқибатида жамиятга берилган лицензия бекор қилинган бўлса, агарда бундай бекор қилишлар бўйича 3 йилдан кам муддат ўтган бўлса. Жамият аффилиланган шахс бўлмаслиги лозим.

- **Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш зарур:**

- -ўз қўли билан ёзилган ариза;
- -автобиография (батафсил кўрсатилсин);
- -касбий маълумотни, иш стажи ва малакасини тасдиқловчи хужжатлар, сертификатлар;
- -меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- -алока учун маълумотлар;
- Танлов хужжатларини топширишнинг охириги муддати- эълон берилган санадан бошлаб, 2022 йил 15 декабр кунига қадар. Танлов ўтказиш муддати-танлов таклифлари ва хужжатлари олингандан кейин 5 иш куни давомида жамият кузатув кенгаши томонидан ўтказилади.

Танлов таклифлари ва хужжатлар муҳрланган конвертларда ва конвертнинг устки қисмида танловда иштирок этувчи номзоднинг танловда иштирок этиш учун аризаси илова қилинган ҳолда тақдим қилинади. Хужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 170100, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 14-уй. Маълумотлар учун тел.: (74) 223-11-63, 93, 410-53-56. Веб сайт www.uzandyogmoj@inbox.ru. (www.Andijonyogmoj.uz) Белгиланган муддатлардан кейин юборилган таклифлар танловда иштирок этмайди. “АНДИЖОНЁҒМОЙ” АЖ маъмурияти.

10.12.2022

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/14755/>

Дата: 07.05.2026